



## ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ САЙЛАНГАНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛОВЛАР

**Мамлакатимизда 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган сайловда Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбоблари номидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келиши давом этмоқда.**

Жумладан, Америка Қўшма Штатлари Президенти Барак Обаманинг қутловида бундай дейилади:

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноби Олийлари!  
Сиз Президент лавозимида навбатдаги муддатда иш бошлаётганингиз муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқига тинчлик ва равнақ тилайман. Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистон ўртасида муштарак манфаатлар мавжуд бўлиб, улар ўзаро муносабатларимизнинг мустақам ва изчил ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, биз кўплаб умумий таҳдидларга ҳам дуч келмоқдамиз. Ўзаро ҳамкорлигимиз икки томонлама муносабатларимиз кенгайишига, шериклигимиз халқларимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Бугунги таҳликали дунёда доимий барқарорлик ва ҳавфсизликка демократик ва масъулиятли бошқарувсиз, жумладан, асосий ҳуқуқ ва эркинликларга риоя қилмасдан эришиб бўлмайди. Президент лавозимида янги муддатдаги фаолиятингизда ушбу муҳим масалалар бўйича Сиз билан ҳамкорликни давом эттириш ниятидаман. Америка халқи номидан Ўзбекистон халқига эзгу истакларимни йўллаб, мамлакатингизга тинчлик ва тараққиёт тилайман.

Эҳтиром билан,

Барак ОБАМА,

Америка Қўшма Штатлари Президенти.

Шунингдек,  
Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби – Жон Керри  
Чехия Республикаси Президенти – Милош Земан  
Миср Араб Республикаси Президенти – Абдулфаттоҳ Ал-Сиси

Афғонистон Ислон Республикаси  
Президенти – Мухаммад Ашраф Ғани  
Таиланд Қироллиги Бош вазيري – Прают Чан-Оча  
Грузия Президенти – Георгий Маргвелашвили  
Арманистон Республикаси Президенти – Серж Саргсян  
Фаластин Давлати Президенти,  
Фаластин озодлик ташкилоти  
ижроия кўмитаси раиси – Махмуд Аббос  
Россия Федерацияси Федерал  
Мажлиси Федерация  
Кенгаши раиси – Валентина Матвиенко  
Энергетика Хартияси Бош котиби – Урбан Руснак  
Саудия Арабистонида истиқомат  
қилаётган ватандошлар – Сафохон Жалолхон  
Тўра Марғилоний  
ва бошқалар  
Россия Федерацияси мусулмонлари  
кендаси раиси, Россия Ғайтийлар  
идораси раиси – Равиль Ғайнутдин  
Тошкент ва Ўзбекистон метрополити,  
Ўрта Осиё метрополиа  
округи раҳбари – Викентий  
Британия – Ўзбекистон жамияти раиси – Хартли Бут  
Марказий Осиё бўйича Кембриж  
форуми раиси, профессор – Сиддхарт Саксена  
«РУСАЛ» компанияси президенти – Олег Дерипаска  
ҳам табрик йўллаган.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ЯКУНЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ



**6 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида бўлиб ўтган мажлисда шу йил 29 март куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижалари эълон қилинди.**

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти изчил ривожланиб бораётган мамлакатимиз келажаги учун улкан тарихий аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Сайлов фуқароларимизнинг юксак ҳуқуқий маданияти ва сиёсий фаоллиги юқорилигини, халқимиз мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлашини яна бир бор намоён этди.

Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан келган баённомаларга асосан 29 март куни бўлиб ўтган Президент сайловида сайловчилар рўйхатига киритилган 20 миллион 798 минг 52 фуқародан 18 миллион 942 минг 349 нафари иштирок этганини аниқлади. Бу сайловчиларнинг 91,08 фоизини ташкил этди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод этиб кўрсатилган Ислон Абдуғаниевич Каримовга сайловчиларнинг 17 миллион 122 минг 597 нафари ёки 90,39 фоизи, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан кўрсатилган номзод Акмал Холматович Саидовга 582 минг 688 нафари ёки 3,08 фоизи, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзод Хотамжон Абдурахмонович Кетмоновга 552 минг 309 нафари ёки 2,92 фоизи, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод Наримон Мажитович Умаровга 389 минг 24 нафари ёки 2,05 фоизи овоз берди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90, 117-моддалари, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 14, 35, 36-моддалари ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонуннинг 5, 9-моддаларига мувофиқ Ислон Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланди, деб ҳисоблаш ҳақида қарор қабул қилди.

**Мамлакатимизда аёллар тадбиркорлигига, уларнинг бизнес билан шуғулланиши, каштачилик ва зардўзлик каби миллий хунармандчилигимизни ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда ва бу борада назик ҳилқат вакиллариға кўплаб имтиёз ва имкониятлар яратилаётир.**



## ТАДБИРКОР АЁЛ — ЭЛГА МАДАДКОР

Бунинг самараси ўлароқ бугун юртимизда ишбилармон ва хунарманд аёлларимиз сони тобора ортиб бормоқда. Ҳозирда мамлакатимизда фаолият юритаётган тадбиркорларнинг 40 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Тадбиркорларни кредитлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун молиявий ресурсларнинг ажратилишига асос бўлмоқда.

Шаҳримизда ташкил этилган «Замона аёли: Ватанимиз рав-

нақига ўз ҳиссамизни қўшамиз» деб номланган савдо-кўргазмасининг очилиш маросимида сўзга чиққанлар шулар ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Мазкур тадбир Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси томонидан ташкил этилган бўлиб, унда тадбиркор ва хунарманд аёллар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ушбу савдо-кўргазмани уюштиришдан мақсад мамлакатимизда аёллар раҳбарлик қилаётган ишлаб чиқариш корхоналари, оилавий тадбиркорлик субъектлари, хунарманд ва фермерлар маҳсулотларини тарғиб қилиш, янги бизнес шартномалари тузиш, тадбиркор аёлларга солиқ ва боғхона қонунчилиги масалалари бўйича маълумот бериш, коллежни битирувчи қизлар учун тадбиркорлик уста-шоғирд машғулотларини ўтказишдан иборат.

(Давоми 2-бетда)



## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Фарғонада VIII Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ҳудудий ярмаркаси бўлиб ўтди. Ярмарка доирасида «Вилоятда инновацион тадбиркорлик: муаммо ва истиқболлар» мавзусида илмий-амалий семинар ҳам бўлиб ўтди. Тадбир давомида саноат корхоналари ва ташкилотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан янги технология, лойиҳа ва ишланмаларни харид қилиш, сотиш юзасидан бир қатор шартномалар имзоланди.

• Нукусда одам савдосига қарши курашишнинг долзарб масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Нукус шаҳар ҳокимлиги томонидан ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ходимлари, имом-хатиблар, «Ишонч» ахборот-ресурс маркази, ОИТСга қарши кураш маркази мутахассислари ва ёшлар иштирокида ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда аҳоли тинчлигига раҳна соладиган, инсон шаъни ва қадр-қимматини камситадиган бундай иллатга қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича мустақам ҳуқуқий база яратилгани алоҳида таъкидланди.

• Хоразм вилоятида ўтказиладиган «Умид ниҳоллари-2015» спорт мусобақалари олдидан Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиалига қарашли талабалар турар жойи қуриб битказилди. «Мирмаксиндустрия» МЧЖ қурувчилари томонидан бунёд этилган иншоот қурилиши учун 7 миллиард 745 миллион сўм маблағ сарфланди. Уч қаватли ётоқхонада 3 ўринли 32 та хона бўлиб, бу ерда яшаш ва дам олиш учун барча қулайликлар муҳайё этилди.

• Хива шаҳрида «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» деб номланган фестивал бўлиб ўтди. Мазкур фестивал доирасида «Миллий таомлар кўргазмаси» ўтказилиб, унда умумтаълим мактаблари, туркман, қозоқ маданият марказлари томонидан миллий дастурхонлар безатилди. Халқ оғзаки ижодидан лапарлар, миллий кўшиқлар ижро этилди.

## ЖАҲОНДА

• Нью-Йорк шаҳрида «NYIAS — 2015» халқаро автомобиль кўргазмаси фаолият бошлади. Анъанага мувофиқ, тадбирнинг дастлабки иш куни унга фақат соҳа вакиллари ҳамда журналистлар тақдир қилинди. Кечадан эътиборан эса кўргазма эшиклари барча ишқибозлар учун очилди.

• Март ойида Хитойда хизмат кўрсатиш соҳаси қисман ўсди. Мутахассисларнинг изоҳлашича, баҳолаш мезони индекс бўйича белгиланади. Агарда у 50 пунктдан юқори бўлса, бу хизмат кўрсатиш жабҳаси ривожланаётганини аниқлатади. Акс ҳолда соҳадаги вазият салбий, деган хулосага келинади. Февраль ойида Хитойнинг бу борадаги индекси 52,0 эди. Мартда эса у 52,3 га етди.

• «Airbus» авиакомпанияси «ақлли» самолётлар ишлаб чиқариш учун патент олиш ниятида. Янги турдаги ҳаво лайнерларининг ойна-иллюминаторлари махсус дастурлар ёрдамида ишлайдиган интерфаол хусусиятга эга бўлади. Бу йўловчининг парвозини мазмунли ўтказишига хизмат қилади.

## ҚИСКА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Шаҳар саломатлик ва тиббий статистика

институтида «Тўғри овқатланиш — саломатлик гарови» мавзусида анжуман уюштирилди.

✓ **БУГУН** Яшнобод тумани-

даги «Янгиобод» тантаналар уйида «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» деб номланган тадбир ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилотидан ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтади.

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

## ФАРОВОНЛИК АСОСИ — ШУКРОНАЛИКДА

...Беомон жангтоҳда тутдек тўкилаётган одамларни кўриб, она юртинг, қадрдонларинг ёнига эсон-омон қайтиш умиди хомхалдек туюлади. Ҳар дақиқа ўлимни бўйинингга олиб, бугун бўлмаса эртага менинг ҳам ҳолим шу-да, деб яшаш азоб... Бу хотираларни эслаганда бугунги кунларимизга такрор-такрор шуқрона келтирамиз. Осида ҳаётнинг қадри қанчалик улуглигини, тинчликнинг нақадар муқаддас неъмат эканлигини ҳар биримиз доимо ёдда тутишимиз керак.

Бу — пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги Бўстон маҳалласида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Убайдулла бобо Муҳаммадовнинг сўзлари. Тўқсон уч баҳорни қаршилаган ота-хон чехрасидан бугунги ҳаётдан шуқроналик, дорилмомон кунларнинг роҳат-фароғатидан шодмонлик аримайди.

— Яқинда набирам газетадан ўқиб берди, Президентимизнинг уруш ва меҳнат фронти фахрийларини Ғалабанинг 70 йиллиги эсдалик юбилей медаллари билан тақдирлаш тўғрисидаги Фармони эълон қилинди, — дейди отахон. — Бундан кўнглим янада ўсди. Негаки, биз фахрийлар доимо давлатимизнинг ғамхўрлигини ҳис этиб яшаймиз. Ҳар йили санаторияларда бепул дам олиб, соғлигимизни мустаҳкамлаймиз. Маҳалладаги йиғинларга, ёшлар билан учрашувларга тез-тез тақдир этилади. Ёшларга юртимиздаги тинчлик-осойишталик ҳамма нарсадан қадри ақанини таъкидлашдан қарчмайман.

Мамлакатимизда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларнинг фаровон ҳаёти учун қулай шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ҳамда «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»-ги Фармонлари уруш ва меҳнат фронти фахрийларининг ғалабага қўшган ҳиссаси ҳамда фронт ортидаги зах-

матлари муносиб қадрланаётганининг яққол ифодасидир.

Фарзанду набиралари ардоғида яшаётган Убайдулла бобо ана шу ғамхўрлик кексайганида кўнглини тоғдай кўтарайтганини таъкидлайди. Бобосининг ўғитларини тинглаб улғаяётган набиралар эса билим олиб, касб-хунар эгаллашга, бир сўз билан айтганда, жамиятда ўз ўрнини топишга интилиб яшамокда.

— Бобонинг ҳикояларини эшитиш жону дилимиз, — дейди 12 ёшли Саидазим. — Эшитганларимни кўшни болалар, мактабдаги дўстларимга сўзлаб бераман, улар ҳам бобомни кўришга келиб туришади.

...У.Муҳамедов юридик соҳада таълим олди. Узоқ йиллар Тошкент шаҳри, Жиззах, Самарқанд вилоятларида суд идораларида меҳнат қилди. Турмуш ўртоғи Зарофат ая билан икки ўғил, уч қизни тарбиялаб, элга қўшди. Президентимиз Ислон Каримовнинг Фармонларига биноан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист» унвони ва «Ҳасорат» медаллари билан тақдирланди.

— Отамнинг ҳаёт йўли биз учун ибрат, — дейди ўғли Шерзод Муҳамедов. — Улардан қатъиятлик, меҳнатсеварлик, аҳиллик, тўғрисузликни ўрганиб кам бўлмади. Ҳаммамиз олий маълумотли бўлиб, ўзимиз танлаган соҳаларда меҳнат қилдик.

Мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан фахрийларга хурмат-эътибор янада кучайган.

Сайёра ШОЕВА,  
ЎЗА мухбири

**Мустақиллик Ўзбекистонда улкан ўзгаришлар ва ислохотлар бошланишига имкон яратди. Юртбошимиз томонидан илгари сурилган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш ғояси, ҳеч шубҳасиз, ушбу ўзгаришларнинг бош замини бўлди. Ўз номидан англашилганидек, мустақил давлатда ҳуқуқ устуворлигидаги инсон манфаатларини энг олий қадрият сифатида эътироф этадиган жамият бунёд этишга киришилди. Бу концепция ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадриятларга тўла мос келади.**

Бошқача қилиб айтганда, 120 йиллик мустақилликдан халос бўлган Ўзбекистон инсоният умумий тараққиёти натижасида англашган асл қадриятлар ўзанига тушиб олди, адолат ва ҳақиқат шiori бўлган одил жамиятни қуришга киришди. Давлатимиз раҳбари ҳақиқат ривидида таъкидлаганидек, «Биз шунчаки демократик жамият эмас, балки одил демократик жамият қурмоқчимиз. Адолат ва ҳақиқатга интилиш эса халқимиз табиатининг муҳим фазилатларидан биридир».

Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларда ҳам адолат ва инсонпарварлик тамойиллари энг устувор вазифа сифатида белгиланди. Утган йиллар мобайнида соҳадаги ҳар бир ўзгариш, ҳар бир янгиланишда гуманистик ғояларнинг устун бўлганлигининг ўзиёқ фикримизнинг далилидир. Хусусан, репрессив ҳазо чораларини қайтариш, жазони белгилашда ҳазо билан содир этилган қилмишнинг ижтимоий ҳавфлилик даражаси ўртасидаги мунособиллини таъминлаш, ўлим жазосининг қўлланиш соҳасини қисқартириб, жазо тури сифатида қонунчиликдан чиқариш, иқтисодий жиноят содир этган шахсларга жазима жазосини қўллаш, қамоқ билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораларини амалга кенгроқ татбиқ этиш, воёга етмаганлар, аёллар ва кексаларга нисбатан жазоларни юмшатиш, шунингдек, ярашув институтини жорий этиш каби ислохотлар Ўзбекистон судлов тизимида одиллик ва инсон манфаатларини таъминлаш энг олий мақсад этиб белгиланганини кўрсатди.

Масаланинг ўзига хос жиҳати шундаки, амалда татбиқ этилган ушбу ҳуқуқий институтлар судлов тизимида янгиланиш баробарида жиноят ҳуқуқи ва жиноят жараёнда ўзига хос ўрин тутди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Маҳлисининг 2001 йил 29 августда бўлиб ўтган VI сессиясида «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Рес-

публикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниши натижасида янги ярашув институтининг жорий этилишини шулар қаторига киритиш мумкин. Айтиш мумкинки, «Жабранувчи билан ярашув» тўғрисидаги алоҳида тоифадаги иш юритиш тартибининг татбиқ қилиниши жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришда


### Ислохотлар оқимида

## ЯРАШУВ ИНСТИТУТИ — СУДЛОВ ТИЗИМИДА ЯНГИ ҲУҚУҚИЙ УСУЛ

муҳим қадам бўлди. Чунки ушбу институт ижтимоий ҳаётда катта бўлмаган жиноят содир этган шахс ўз айбини бўйинга олиб, жиноят оқибатида келтирилган зарарни ўз ихтиёри билан тўласа, жабранувчи билан ярашса суд ишни ҳаракатдан тўтатади.

Жабранувчи ва жиноят содир этган шахсининг суд ҳукмидан аввал ярашвиши қатор қулайликларга эгадир. Аввало, жиноят содир этилиши натижасида келтирилган зарар айбдор томонидан тезда бартараф этилади. Жиноят иши ўзининг мантӣқий ҳулосаси — ҳукм чиқарилишгача борган ҳолларда — жабранувчининг зарарни қоплаш билан боғлиқ даъво талаблари бевосита қондирилиши мумкин бўлади. Аммо амалиёт шунини кўрсатадики, жабранувчи учун молиявий воситаларни олиш жараёни яна бир синов сифатида юзга келади.

Жиноят иши ва у билан боғлиқ ҳолатлар жабранувчининг жуда кўп вақтини олиши ҳам ҳеч кимга сир эмас.



Нурга чўмган ойдin кўчалар

Темур Мамадаминов олган сурат

**Мамлакатимизда таълим жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари фаол жорий этилмоқда. Президентимизнинг 2012 йил 21 мартдаги «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлаётир.**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази таълим соҳасини ахборотлаштириш, умумтаълим мактабларини компьютер техникаси билан таъминлаш ва масофадан ўқитиш тизимини шакллантиришда муҳим ўрин тутмоқда. Марказнинг ишлаб чиқариш ва техник базасида янги электрон таълим ресурслари ва умумтаълим мактаблари учун дарсликлар яратилмоқда. Марказ директори Шариф Эргашевнинг таъкидлашича, дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур жиҳозлар мавжуд. Бу ерда самарали фаолият юритаётган мультимедиа студиясида умумтаълим ресурс ва порталларига видеоролик ва мультимедиа материаллари ёзиб олиниб, монтаж қилинмоқда.

Марказда яратилаётган мультимедиа материаллари ва видеороликлар мамлакатимиз таълим стандартларига мувофиқ тузилган бўлиб, улардан турли фанлар бўйича ўқув дастурларида видео-дарслар сифатида фойдаланилмоқда. Ушбу йўналишдаги ишларда пойтахтимиздаги мактабларнинг таърифи ва ташаббускор педагоглари иштирок этаётир. Бу нафақат лойиҳалар амалиётга муваффақиятли татбиқ этилиши, балки роликларнинг педагогик нуктаи назардан талабга жавоб беришини ҳам таъминлайди.

Яқинда харид қилинган янги компьютер жиҳозлари қизиқарли видео-дарслар яратишга хизмат қилмоқда. Ушбу компьютер жиҳозларининг техник имкониятлари янги дастурлар, график ва видеоматериаллар билан ишлаш имконини беради. Барча материаллар ва тайёр ресурслар марказнинг веб-серверларида сақланади. Веб-серверлар зарарли дастурлардан уч даражали ҳимояга эга антивирус дастурлари билан муҳофиза қилинади.

### Қарор ва ижро

## АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Муассасанинг бой моддий-техник базаси оқори даражадаги ахборот маҳсулотлари яратиш имконини беради. Халқ таълими вазирлигининг ахборот-таълим портали ва расмий веб-сайти шулар жумласидандир.

Айни пайтда марказ томонидан барча ўқитувчи ва ўқувчилар тўғрисидаги маълумотлар сақланадиган янги интерактив тизимни яратиш ишлари олиб борилмоқда. Кенг имкониятларга эга мазкур тизимдан вазирлик ва умумтаълим мактаблари фойдаланиши мумкин бўлади. Жумладан, муайян мактаб ҳақидаги таянч маълумотлар тўпламини ўз ичига олган дастур фанларнинг ўзига хослиги ва мураккаблик даражаси инobatга олинган ҳолда, автоматик равишда дарс жадвалини ишлаб чиқа олади. Бундан ташқари, унда ўқувчининг ўзлаштириш даражасини акс эттирадиган электрон кундалик ҳам мавжуд.

Марказ нуфузли MOODLE таълимни бошқариш тизими негизда Халқ таълими вазирлигининг масофавий таълим тизимини ишлаб чиқишни давом эттирмоқда. Масофавий таълимнинг асосий мақсадларидан бири — бу нафақат ўқув жараёнининг барча иштирокчилари бўлган мактаб, касб-хунар коллежи ва академик лицей ўқувчилари, педагоглар ва ота-оналарга таълим ресурсларини давом бериб, ахборотдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради, мустақил билим олиш учун шароитлар яратди.

Роман БОНДАРЧУК,  
ЎЗА мухбири

Жабранувчи қақирув қозғалари асосида маълум соатга келиши шарт ва тергов ҳаракати ёки суд муҳокама-сининг давомийлигига қарамадан жараён ниҳоялангунга қадар суд залида бўлиши лозим.

Ярашувнинг амалга оширилиши жиноят содир этган шахсни тегишли ҳазо чораларидан озод қилиши баробарида «судланган» деган тамгадан қутулиб қолишига ҳам шароит яратди ва шахс судланган деб ҳисобланмайди. Шунингдек, ушбу тизимнинг ишга тушиши дастлабки тергов ишларини олиб бориш ва ишни судда кўриб чиқиш учун сарфланадиган муддатнинг камайишида ҳам катта аҳамият касб этади.

Таъкидлаш керакки, ярашув тизими судлов тизимида янги ҳуқуқий усул бўлса-да, у миллий қадриятларимизда асрлар давомида яшаб, тақомил топиб келган. Кечиримлилик, бағрикенглик, гина-қудуратини унуттиш, сабр-тоқат ва андиша халқимизнинг асл қадриятлари сифатида ҳар қандай «ҳужум»ларга бардош бериб, бугунги кунгача етиб келган.

Таассуфки, жабранувчиларнинг ярашувини ҳуқуқий моҳиятини англаб етасанлиги ҳам ярашувнинг муваффақиятли амалга оширилишига тўқсинлик қилади. Бундан ташқари, жабранувчи айбдорнинг кечирганлигини ҳуқуқий жиҳатдан тасдиқловчи аризани тақдим этса-да, дастлабки тергов органлари унга эътибор қаратмасдан жиноят содир этган шахсга нисбатан айб эълон қилиши ҳолатлари борлиги ҳам аниқланган. Демак, ярашув институтининг самарали ишлашида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш билан биргаликда суд-ҳуқуқ тизими мутахассислари ўртасида ярашувнинг миллий ва халқаро тажрибадан муваффақиятли ўтган усулларини муҳокама қилиш, янги тизимнинг моҳиятини очиб берадиган семинар ва машғулотлар ўтказиш бу борада ижобий аҳамиятга эга бўлади.

Муктасар қилиб айтганда, ярашув институти халқимизга хос кечиримлилик ва бағрикенгликнинг олий намунаси ҳисобланади. Унинг мазмун-моҳиятида халқимизнинг ўзига хос олижаноб фазилатлари мужассамлашган. Шу боис ушбу институтни янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир ва бу ўз навбатида одил судловни амалга оширишга хизмат қилади.

Хушнуд КАРИМОВ,  
Юристар малакасини ошириш маркази  
тингловчиси

### Анжуманлар

## ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

**Пойтахтимизда «Худудий ривожланишга доир ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга оширишда ижтимоий шерикликнинг ўрни» мавзусида минтақавий семинар ўтказилди.**

Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашлари томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилган тадбир аҳоли бандлигини таъминлаш ва ижтимоий муҳофиза қилиш соҳасида давлат дастурлари ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш, самарали татбиқ этишда давлат ва нодавлат тузилмаларининг ҳамкорлиги қўламини ва йўналишлари юзасидан фикр алмашиш, ижтимоий шериклик механизмларини такомиллаштириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида ўтказилди.

«Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши ва бу орқали фуқаролик жамияти институтлари ролининг эътирофи, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш, мамлакатни демократлаштириш ва модернизациялаш ҳамда унинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви, шу жумладан, давлат ва жамият ҳаётига оид қонунлар ва дастурларни ишлаб чиқиш ва ижроси жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирокини фаоллаштиришга ундовчи омилига айланади.

Тошкент шаҳар касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси Сайфулла Аҳмедов, Тошкент вилояти касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Гузал Тўхтаева ва бошқалар мамлакатимизда аҳолининг барча қатлами ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, алоҳида эҳтиёжли юртдошларимизни кўчи ижтимоий ҳимоялашга муҳим эътибор қаратилаётганини таъкидлаб ўтишди.

— Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, меҳнатини муҳофиза қилиш юзасидан ижтимоий шериклик асосидаги ҳамкорлик бўйича қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши юридик бўлими мудири Икром Якубов. — Инсон омилига эътиборни қўлайтириш ва унинг манфаатларини таъминлашда ижтимоий шерикликнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Бу соҳада юртимизда бошқа мамлакатларда камдан-кам учрайдиган тизим, яъни ижтимоий шериклик асосида давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини уйғун ҳолда йўналтириш орқали самарали натижаларга эришилмоқда.

Семинарда мутасадди вакилларнинг аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий муҳофизага оид дастурларни амалга оширишда ижтимоий шерикликнинг ўрни, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуннинг фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг самарадорлигини янада юксалтиришдаги ўрни, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, оилавий ва хусусий бизнесда инновацияларни қўллаб-қувватлашда нодавлат-нотижорат ташкилотларининг вазифалари ва бошқа мавзулардаги маърузалари тингланди. Шунингдек, тадбирда фуқаролик жамияти институтлари самарадорлигини янада ошириш, хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнесни қўллаб-қувватлашда ижтимоий шериклик муносабатларидан кенг фойдаланиш, бунда ННТларнинг ўрни ва аҳамиятини қўлайтиришга оид тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Тадбир давомида касба уюшмалари фаолиятида ижтимоий шерикликнинг аҳамияти, ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимояси, меҳнат муҳофизаси, меҳнат ҳуқуқлари ҳимояси, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан йўлга қўйилган йўналишлардаги ижтимоий шериклик борасида амалга оширилган ишлар ҳақида маълумотлар берилди. Шунингдек, йиғилганлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутасадди ташкилотлар вакиллари томонидан аниқ ва тўлиқ жавоб олдилар.

Зиёда РАСУЛОВА

## ТАДБИРКОР АЁЛ — ЭЛГА МАДАДКОР

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Иккинчи бор ташкил этилган савдо-қўرғазма хотин-қизлар учун ўз маҳсулотларини намойиш қилишлари, янги ишни бошлаётганлар ўз бизнес режаларини ривожлантиришлари, шунингдек, бўлажак тадбиркор қизлар учун маҳорат дарсларининг ўтказилиши билан ҳам аҳамиятлидир, — дейди «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси раиси Гулнора Махмудова. — Тадбир доирасида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш вазирлиги томонидан ўтказилган тадбирлар, Марказий банк томонидан берилган кредитлар ҳақида семинарлар бўлиб ўтди. Коллеж битирувчилари, тадбиркорлигини энди бошлаётган аёллар ўз ҳунармандчилик мактабларини очилари учун маслаҳатлар олиш ва тажрибали мутахассислар билан суҳбатда қўллаб-қувватлашда хабардор бўлиш имкониятига эга бўлди.

Қўрғазма аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини аниқлаш, янги ми-жозларни жалб этиш борасида янги ҳаракатлантириш куч сифатида хизмат қилади.

— Бугун юртимизда тадбиркор аёлларга қўллаб-қувватлаш яратиб беришда давлат ва биз ундан кенг фойдаланиб, ўз ишимизни йўлга қўйиб олдик, — дейди «Ба-хор» ва «Сектор» масъулияти чекланган жамиятлари раҳ-бари Гулбаҳор Абдуҷалолова. — Тадбиркорлик фаоли-ятини 2005 йил бошлаганман. Банкдан 20 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит олиб, гузаллик сало-ни, миллий ва келин либослари салонларини очдим. Бу-гунги кунда қўллаб-қувватлаш битирувчилари ва ёш аёл-ларни иш билан таъминлади. Ҳозирги кунда уларнинг со-ни 20 нафарга етди. Келажакда ўз фаолиятини яна-да кенгайтириб, қўллаб-қувватлаш ўринлари яратишни, ёш-ларимизни бандлигини таъминлашни мақсад қилганман.

Қўрғазма-савдо доирасида мутасадди идоралар ва-киллари иштирокида семинар-тренинглар, уста-хунар-мандлар томонидан бир қатор йўналишларда маҳорат сабоқлари ўтказилди.

Абдували СОДИКОВ,  
Қамолддин ХАМДАМОВ

## Болалар спорти

Фарзандлари соғлом  
юрт қудратли бўлур

Шу боис ҳам ўтган Соғлом бола йилида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали томонидан муайян ишлар амалга оширилди ва бу жараён давом этмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 31 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг бюджетини ҳамда 2014 йилда болалар спорти объектилари, сузиш ҳавзаси ва болалар мусика ҳамда санъат мактабларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича мақсадли дастурларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарорига кўра пойтахтимизда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблаглари ҳисобидан 8 та иншоотларда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилиши белгиланган эди. Жумладан, Миробод туманидаги 6-сонли Болалар ва ўсмирлар Олимпия заҳиралари спорт мактаби учун янги спорт мажмуаси, Шайхонтоҳур туманидаги 41-БЎСМ учун битта ёпиқ турдаги сузиш ҳавзаси, Миробод туманидаги Халқ таълими вазирлиги тасарруфидagi Республика олий спорт маҳорати мактаби биноларини реконструкция қилиш ва қўшимча янги спорт зали қуриш, шунингдек, 6 та болалар мусика ва санъат мактаблари, хусусан, Мирзо Улуғбек туманидаги 20-сонли, Яшнобод туманидаги 7-сонли, Чилонзор туманидаги 15-сонли, Шайхонтоҳур туманидаги 3-сонли, Яқасарой туманидаги 5-сонли болалар мусика ва санъат мактаблари биноларини реконструкция қилиш назарда тутилган эди. Ушбу қурилиш объектиларининг еттигиси ўтган йилнинг декабрида фойдаланишга топширилди. Ҳозирда Шайхонтоҳур туманидаги 41-сонли БЎСМда ёпиқ

турдаги сув ҳавзасининг қурилиши якунига етмоқда.

Шаҳримиздаги 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган 441484 нафар ўқувчи-ёшларнинг камида 60 фоизининг спорт билан шуғулланишларига имкон яратиш Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали иш режа-

**Истиқлол шарофати туфайли келажагимиз ворислари бўлиши фарзандларимизнинг жисмонан бақувват, маънан етук, баркамол шахс бўлиб вояга етишлари йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлиги барчага маълум.**

## Жамғармалар фаолиятидан

КЕЛАЖАГИМИЗ ИШОНЧЛИ  
ҚЎЛЛАРДА

сига киритилган эди. Ўтган йилнинг 25 декабрь ҳолатига кўра пойтахтимиздаги 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўғил-қизларнинг 236770 нафари, яъни 53,6 фоизи спорт билан мунтазам шуғулланмоқда (шулардан 100833 нафарини қизлар ташкил этади).

2014 йили шаҳримиздаги барча умумтаълим мактабларида мавжуд спорт секцияларидан ташқари қўшимча 1-4-синф ўқувчилари учун шахмат, шашка, 5-9-синф ўқувчилари учун стол тенниси, бадминтон тўғрақларини очиб назарда тутилган эди. Ҳозирда мактабларда ушбу спорт турлари тўғрақлари очилиб, уларга ўқувчи-ёшлар жалб қилинмоқда.

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасига қарашли 45 та БЎСМда 790 нафар малакали мураббийлар 43189 нафар ўқувчиларга спорт сирларини ўргатмоқда.

Ўтган йилда ҳам жамғармамиз ташаббуси билан барча умумтаълим мактабларида, БЎСМларда ўғил-қизлар ўртасида спортнинг 30 дан ортиқ

турлари бўйича мусобақалар уюштирилди. Ҳар бир байрам арафасида спорт турлари бўйича мусобақалар уюштириш ҳамда ғолибларни тақдирлаш аънаёна айланган. Ўтган йили барча спорт турлари бўйича уюштирилган беллашувларда 276401 нафар болалар иштирок этган бўлса, уларнинг 123996 нафарини қизлар ташкил этди.

Жорий Кексаларни эъозлаш йили муносабати билан январь ойининг биринчи ярмида барча таълим муассасаларида, шунингдек, 6 ёшдан 70 ёшгача бўлган аҳоли ўртасида «Алпомиш ва Барчиной» мавсум спорт тестлари ўтказилди. Ушбу синов тестларида 58 минг нафар аҳоли иштирок этган бўлса, улардан 25637 нафари қиз ва аёллардир.

Дарвоқе, жамғармамиз ўқувчи-ёшларни, айниқса қизларни жисмоний тарбия ҳамда спорт билан мунтазам шуғулланишларига имкон яратиш мақсадида ўтган йилда ҳам уларга спорт жиҳозлари, инвентарлари ҳамда спорт кийим-кечакларини тақдим этди.

Мухтасар қилиб айтганда, ёшларнинг жисмоний камолотига берилган эътибор келажақда албатта ўзининг тотли мевасини беради. Аминимизки, спортга ошно бўлган ўғил-қизларимиз орасидан минглаб мамлакат, қитъа ва жаҳон чемпионлари етишиб чиқади. Аслида ҳозирда спорт билан шуғулланиб, келажақда бошқа касбини танлаган тақдирда ҳам фарзандларимиз маънан етук, баркамол авлод бўлиб вояга етади.

**Маҳбуба ҚУРБОНОВА,**  
Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиалининг етакчи мутахассиси

## Спорт масканларида

САЎЙ-  
ҲАРАКАТЛАРИМИЗ  
БЕСАМАР КЕТМАЙДИ

**Жисмонан бақувват, баркамол авлодни вояга етказиш бугунги куннинг долзарб талабидир.**

Мен раҳбарлик қилаётган Шайхонтоҳур туманидаги 41-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби (БЎСМ) Мустақиллик шарофати туфайли 2005 йилда спорт мажмуаси сифатида фаолият бошлаган. Айни пайтда ушбу маскан БЎСМ ҳисобланади.

Спорт мактабда ўқувчи-ёшлар учун таэквондо WTF, кўл тўпи, баддий гимнастика, футбол, эркин кураш, бокс тўғрақлари ташкил этилган. Мактабимизда 302 нафар ўқувчи (шулардан 62 нафари қизлар) спортнинг юқорида номлари зикр этилган турлари билан шуғулланишмоқда. Бу ёшларнинг спорт сирларини пухта эгаллашлари учун 9 нафар малакали мураббий маҳорат сабоқларини беришмоқда.

Айтиш жоизки, ўтган Соғлом бола йили мактабимиз учун омадли келди. Чунки йил мобайнида ўқувчиларимиз туман, шаҳар, республика, ҳатто халқаро миқёсдаги мусобақаларда иштирок этиб, совринли ўринларни кўлга киритишди. Айниқса, эркин курашчиларимиз эришган ютуқлар мактанса арзигулик. Аввало, ўтган йили эркин кураш бўйича БЎСМлар жамоалари ўртасида Шаҳрисабзда уюштирилган республика турнирида спорт мактабимиз жамоаси шоҳсупанинг энг юқори поғонасини эгаллаганлиги таҳсинга сазовор.

Қозғоғистон Республикасида ўтган йили эркин кураш бўйича оз эмас, кўп эмас тўрт марта ўтказилган халқаро турнирда қатнашган мактабимиз аъзоларининг 20 нафари совриндор бўлганлиги кишини қувонтиради. Тошкент вилоятининг Қўйи Чирчиқ ва Олмалиқ туманларида эркин кураш бўйича мамлакат миқёсида ташкил этилган турнирда спорт мактабимиз жамоасига фахрли 1-ўрин насиб этди. Эркин курашчиларимизнинг бу ютуқларида мураббийлар Собир Ҳақимов ҳамда Зокир Ҳақимовларнинг хизматлари бекиёс. Дарвоқе, ўтган йили эркин кураш бўйича мамлакат чемпионатида 6 нафар спортчимиз совриндор бўлганини таъкидлаб ўтмасам бўлмас. Ушбу нуфузли мусобақада курашчиларимиздан Ҳабибулло Абдуманнопов 2-ўринни кўлга

киритган бўлса, Ҳожиакбар Абдуғаниев, Беҳруз Мухаммадиев, Давлат Абдуқодиров, Равшан Абдуллаев, Илҳом Усмоновларга ўз вазн тоифаларида бронза медаллари насиб этди.

Шунингдек, ўтган йили таэквондо WTF ҳамда бокс бўйича ўтказилган бахсларда ҳам чарм кўлқоп усталари ва таэквондочиларимиз совриндорлар қаторидан ўрин эгаллашгани ҳам ушбу спорт турларига мактабимиз ўқувчилари орасида қизиқиш кучайиб бораётганини англатади.

Ушбу муваффақиятлар замирида ўз касбининг усталари бўлиши Тоҳир Одилов, Шерзод Беғалиев, Азиза Авезова, Шораҳим Исроилов, Зокир Ҳақимов, Собир Ҳақимов каби мураббийларнинг машаққатли, аммо шарафли меҳнатлари ётибди.

Дарвоқе, шуни мамнуният билан айтманки, спорт мактабимизда ўқувчи-ёшларнинг спорт сирларини пухта ўзлаштиришлари учун барча қулайликлар яратилган.

Насиб этса, жорий йилдан спорт мактабимизда енгил атлетика ҳамда сузиш спорт турлари бўйича тўғрақлар фаолият бошлайди. Ҳозирда мактабимиз қошида бўлиб этилаётган ёпиқ турдаги сув ҳавзаси тез фурсатларда фойдаланишга топширилади.

Жорий йилда ҳам ҳар бир спорт тури бўйича ўқувчиларимиз туман, шаҳар, республика миқёсидаги турнирларда иштирок этишади.

Маълумки, жорий йилда Хоразм мактаб ўқувчилари ўртасида ташкиллаштирилган «Умид ниҳоллари» мусобақаларига мезбонлик қилади. Мактабимиз ёш спортчиларининг нияти ушбу нуфузли турнирнинг республика босқичида шаҳримиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш. Шу боис ҳам «Умид ниҳоллари» турнирига қизгин тайёргарлик кўрилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда болалар спортига жиддий эътибор берилар экан, бу саъй-ҳаракатлар бесамар кетмайдми.

**Шерзод ЗИЯМАТОВ,**  
Шайхонтоҳур туманидаги  
41-сонли БЎСМ директори

**Мустақиллик бошқа соҳалар қатори юртимизда спортнинг ривожланиши учун ҳам кенг имкониятлар очди. Тез-тез жаҳон, Осиё чемпионатлари ва турли йрик халқаро мусобақаларда спортчиларимиз ғалабалари шарафига давлатимиз мадҳияси янграб, дилларимизга фахр-ифтихор туйғуларини бахш этмоқда.**

## Ёш чемпионлар

ОРЗУЛАРИНГ ҚАНОТ ЁЗСИН,  
ШОҲЖАҲОН

Энг муҳими, болалар ва ўсмирларни спортга жалб этиш ва уларнинг ўз маҳоратларини муттақил ошириб боришлари учун шарт-шароитлар яратилиши ёшларимизнинг соғлом ва дурқун ўсишлари, улар орасидан ёш чемпионларнинг етишиб чиқишида муҳим омил бўлмоқда.

Тўрт ёшни қаршилаган ҳамшаҳримиз Юнусобод туманидаги «Бодомзор» маҳалласида истиқомат қилувчи Шоҳжаҳон Фурқатзода-нинг чемпионлик шоҳсупаси сари интилишлари ҳам фикримиз далилидир.

Уч ёшдан бокс сирларини ўрганишни бошлаган



Шоҳжаҳон Фурқатов, 4 ёш, бокс бўйича чемпион.

Шоҳжаҳон, сўнг бир йил мобайнида «Юнусобод» спорт мажмуасида спорт устаси қора белбоғ соҳиби Хусниддин Икромхўжаев кўли остида шарқ аккурашининг энг жозибали турларидан бири бўлиши таъқдирининг

WTF йўналиши билан шуғулланиб, илк собоқларни олди. Ҳозирда «Жар» спорт мажмуасида мураббий Даврон Тўлагановдан маҳорат сабоқларини олмоқда. Мураббийларнинг саъй-ҳаракатлари ва ёш спортчиларнинг интилишлари зое кетмасдан дастлабки натижалар ҳам кўзга ташланди — Шоҳжаҳон Фурқатзода 2014 йилда мамлакатимиз Мустақиллиги-

нинг 23 йиллигига бағишлаб ўтказилган клуб биринчилигида биринчи ўринни эгаллагани ҳолда спортда ўзининг илк ғалабасига эришди.

Сарик белбоғ соҳиби бўлган тўрт ёшли болакай жуда ёш эканлигига қарамай ўз олдида катта мақсадларни қўйган ва аста-секин ана шу йўлда одимламоқда. Биз Шоҳжаҳон Фурқатзода келгусида ўз орзу-мақсадларига эришиб, мустақил юртимизнинг етакчи спортчилари қаторидан ўрин олиб, мамлакатимиз шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилишни тилаб қоламиз.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**

## Мусобақалар

## ЁШ СПОРТЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

**Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти «Сергели ўқув СТК» унитар корхонаси томонидан ўқувчи-ёшлар ўртасида спортнинг бир неча турлари бўйича мусобақа ташкил этилди.**

Ташкилот қошида фаолият кўрсатиб келаётган «Жасорат» ватанпарварлик тўғраги аъзолари ҳамда Сергели туманидаги 284-, 285-, 300-, 301-, 7-, 8-, 6- ва 2-умумтаълим мактаби ўқувчилари армистлинг, турника тортлиш, оғир атлетика, аркон тортлиш бўйича беллашди.

— Ташкилотимиз келажагимиз бўлган ёшларни она Ватанга садоқатли, фидойи эътиб тарбиялаш билан уларда инсонийлик, ватанпарварлик туйғуларини синдиришга ва эзгу ишлар сари йўналтиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда, — дейди Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти «Сергели ўқув СТК» унитар корхонаси бошлиғи Саидқамол Ғаниев. — Таъкидлаш жоизки, ташкилотимиз Ватанимиз қудратини оширишга, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни турли оқимлар таъсирига тушиб қолмасликла-

ри, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришга катта эътибор қаратади. Спорт билан шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамлаётган ёшлар иштирок этган мусобақада армистлинг бўйича 1-ўринни 8-умумтаълим мактаби ўқувчиси Шавкатжон Нейматходжаев эгаллади. Турника тортлиш бўйича 7-мактаб ўқувчиси Владислав Кимга етакдигани топилмади. Спортнинг оғир атлетика тури бўйича ўтказилган беллашувда 1-ўринга 301-мактаб ўқувчиси Абдулазиз Бабаев лойик топилди. Аркон тортлиш бўйича 7-мактаб ўқувчиларидан иборат жамоа бор маҳоратларини намоён этиб, ғолиб бўлишди.

Мусобақа ғолиблари «Ватанпарвар» ташкилоти «Сергели ўқув СТК» унитар корхонаси томонидан диплом, фахрий ёрлик ва медал билан тақдирланди.

**Замира РАҲМОНОВА**

## Таълим

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ  
МЕЗОНЛАРИ

**Тошкент Давлат иқтисодий университетидида ёш авлод тарбиясида, маънавий меросимизнинг аҳамиятига бағишланган «Маънавият гулшани» мавзусида анжуман ўтказилди.**

Унда ўқув юрти профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилар ва талабалар иштирок этди. Тадбирда баркамол авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга оид ишларни изчил кенгайтириш, ёшларни зарарли ғоялар таъсиридан асраш, уларни қадриятларимизни қадрлаб яшашига ва халқимизга муносиб фарзандлар этиб тарбиялашга эътибор қаратиш ва шундай тадбирларнинг аҳамияти ҳусусида чиқишлар қилиниб, ўзаро фикр алмашилди.

ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

**Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетидида ўтказилган тадбир чет тилларини ўргатиш тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўринбосари Б.Усмонов, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ректори Ш.Қаюмов ва бошқалар ёшларга таълим-тарбия жараёнида чет тилларни ўргатишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаб ўтишди.

Айни пайтда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетидида чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий маркази ташкил этилди.

Марказ чет тилларни ўқитишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш, таълим стандартлари ва меъриий ҳужжатларни такомиллаштириш, халқаро хориз тахрибасини ўрганиш, масофавий ўқитишни ташкил этиш каби йўналишларда фаолият олиб бормоқда.

## ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР

**Тошкент Давлат техника университетида «Инновацион ғоялар» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.**

Тадбирда илмий-техник салоҳиятни кучайтириш, фан ва таълим соҳасини янада изчил такомиллаштириш, ёшларни Ватанга муносиб фарзандлар этиб тарбиялаш борасида қизгин фикрлар билдирилди.

**Гулчехра ДУРДИЕВА**

## МАЪРИФИЙ ТАДБИР

**Халқимиз асрлар оша кўз қорачиғидек асрб-авайлаб келаётган миллий қадриятларни эъозлаш касаба уюшмалари фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.**

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан Республика уруш ва меҳнат фахрийлари «Саховат» пансионатида яшовчи қариялар ҳолидан хабар олиниб, маданий-қўнғилчор тадбир ташкил этилди.

Хайрия тадбирида нуруний отахон, мўтабар онахонларга Олмасор тумани маданият ва спорт ишлари ходимлари ва Республика эстрада-цирк коллежи хонандлари, цирк усталари томонидан концерт дастури намойиш этилди. Дилтортар қўй-қўшиқлар янграган тадбирда қарияларнинг қўнғил тоғдек кўтарилди. Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан пансионатда яшовчи кексаларга қўнғилчор турмушда зарур бўлган буюмлардан иборат совғалар тақдим этилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказилган очик аукцион савдосига таклиф этади!**


Аукцион савдоларида: Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан тақдоран аукцион савдосига қўйилган мулклар қўйилмоқда: 2014 йил 17 январдаги 478/15-сонли ижро ҳужжатида асосан, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани Олимпотпан, Ж.Остонов кўчаси 4-уй манзилида жойлашган: ер участкасининг умумий майдони 3704,0 кв.м., бўлган «Мотор цехи» биноси тақдоран қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси – 509 386 915,83 сўм.**

**Аукцион савдоси 2015 йил 21 апрель кўни соат 12:00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10,00 дан соат 16,00 гача), аукцион бошланғичдан бир кун олдин тўхташилади. Савдога қўйилган қўмча мулк билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закатлат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатлат пулини «NEW ESTATE ACTION» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» Миробод филиалида қўйилган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт, х/р: 20208000104995394001, МФО: 01101, ИНН: 302373151. Аукцион савдоси ўтказилган манзил: Тошкент шаҳри, Яқасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел: 254-69-13. Хизматлар лицензияланган: Лицензия: RR-0148.



Болалар қувончи оламни тўлдирсин.

Ислом Исмоилов олган суратлар

**Қайси даврада бўлманг, пиру бадавлат отахон ва онахонлар ўтган умрини эслаб, ҳар тонгни шукроналик билан қарши олаётгани, тинч, хотиржам умргузаронлик қилиб, фарзандлари камолини кўраётганини қувонч билан тилга олади.**

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида инсон қадр топти. Жамиятимизнинг барча соҳаларида амалга оширилган кенг қўлмалли ислохотлар аввало халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай, озод ва фаровон ҳаёт кечиршида намоён бўлмоқда.

Президентимиз томонидан жорий йилнинг мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилиниши ва шу мақсадда Давлат дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга ижро этилаётгани ўз самараларини бераётди. Ушбу ҳужжат мазкур йўналишдаги ишлар қўламини кенгайтириш, фахрийларнинг турмушини янада яхшилашда дастуруламал бўлаётди.

Давлат дастури ижроси доирасида Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳам салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Худудий бўлимлар томонидан Саховат, Мурувват ва Мехрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларда «Хайр-саховат – ўзбекистон фазилат» мавзусида маърифий тадбирлар ташкил этилиб, имконияти чекланганлар ва кексалар моддий-маънавий қўллаб-қувватланмоқда.

Тизимдаги санатория-соғломлаштириш масканларида уруш ва меҳнат фронти фахрийлари учун тиббий-ижтимоий хизматлар қўламини кенгайтирилаётди. Барча муассасаларда «Уруш ва

Пойтахтимиздаги «Турон» санаториясида ҳам ўн олтита уруш ва меҳнат фахрийлари хонаси, учта интенсив муолажа, руҳшунос маслаҳати, жисмоний имконияти чекланган кексалар учун

келувчилар учун ҳам шароитлар яратилган.

Икки юз эллик ўринли мазкур сўхат-гоҳда йил давомида ўн мингга яқин даволанувчи ўз саломатлигини мустақам-лайди. Асаб, юрак, қон-томир касалликлари соғломлаштиришга мўлжалланган санаторияда асосан ёши улғу отахон ва онахонлар муолажа олмақда. Бу ердаги шарт-шароитларнинг қулайлиги, тиббиёт ходимларининг хизмати даволанувчиларга манзур бўлмоқда.

Бу ердаги муолажалардан сўнг ўзини анча бардам сезмоқдаман, – дейди навоийлик Раҳмат ота Хайитов. – Кексаларни эъзозлаш йилида биз фахрийларга янги-янги қулайликлар тақдим этилаётгани, дам олишимиз, саломатлигимизни мустақамлашимиз учун имкониятлар яратилаётгани кўнгилимизни кўтармоқда. Бундан жуда мамнунмиз.

Юртимизда ёши улғу инсонлар, Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фронти фахрийларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, қайси хонадонда нуруний отахон ёки онахон бўлса, бу оилада, албатта, файзу барака, фаровонлик, аҳиллик бўлади.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,  
ЎЗА мухбири

## 2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили НУРОНИЙЛАР МАМНУН

меҳнат фахрийлари бўлимлари» ташкил этилган.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мувофиқ мазкур бўлимлардаги хоналарни таъмирлаш, замонавий меҳнат билан таъминлаш, қўшимча ёруғлик мосламалари ва навбатчи шифокор билан боғлайдиган алоқа воситаларини ўрнатиш ишлари амалга оширилди.

даволаш, ётоқ ва ошхона бўлимларида аравачалар ҳаракати учун қулайликларга эга қўшимча йўлақлар, алоҳида ошхоналар ташкил этилди. Турли маданий-маърифий тадбирлар мунтазам ташкил этилаётгани фахрийларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришига қўмаклашмоқда.

Муассасамизда икки авлод учрашувлари ташкил этилаётди, – дейди санатория бўлим бошлиғи Бернора Эргашева. – Санъаткорлар концерти, яқин жойлардаги тарихий қадамжоларга саёҳатлар уюштирилади. Алоҳида эътиборга муҳтож кексаларни кузатиб

**Ҳар бир миллат ўзига хос аънава ва қадриятлари билан ажралиб туради. Миллий қадриятлар миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, маънавияти ва маданияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда вужудга келган.**

«Камолот» лойиҳалари

## ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ ҚАДРЛАЙМИЗ

Ана шундай аънава ва қадриятларимизни янада улғулаш, уларни ўсиб келаётган авлодларга етказиб бериш мақсадида «Ёшлик» талабалар шахарчаси ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шахарча Етақчилар Кенгаши ҳамда Олмасор тиббиёт коллежи ҳамкорлигида «Қадриятларимизни қадрлаймиз!» лойиҳаси доирасида «Қадрият, урф-одат, аънава ва ёшлар» деб номланган байрам тадбири ташкил этилди. Тадбирни «Ёшлик» талабалар шахарчаси ҳокими Қ.Шоназаров ўзининг самимий тилаклари билан қатнашчиларга изҳор этиб, очиб берди.

Тадбирда Олмасор тиббиёт коллежининг ўқувчи-ёшлари томонидан тайёрланган баҳорий таомлар ҳамда қўй-қўшиқлар, Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан тайёрланган сахна кўринишлари намойиш этилди. Шунингдек, миллий қадриятларимизга асосланган ҳолда ҳар хил халқ ўйинлари, жумладан, аркон тортиш, кураш, энг яхши байрам дастурхони, моҳир соч ўрувчи, энг яхши қадрият ва аънава йўналишлари бўйича гуруҳлар ўртасида мусобақалар ўтказилди. Мусобақада 102-, 112-, 114-, 116-, 117-гуруҳларнинг ўқувчи-ёшлари фахрли ўринларни эгалладилар.

— Мазкур тадбирни ўтказишдан асосий мақсад ҳозирги кунга қадар ота-боболаримиздан ёшларимизга мерос бўлиб келаётган урф-одат, қадрият ва аънаваларимизни асраб-авайлашда ўз ҳиссасини қўшиб, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этиб келаётган ёшларимизни тақдирлашдан иборатдир, – дейди «Камолот» ЕИХ «Ёшлик» талабалар шахарчаси Етақчилар Кенгаши раиси ўринбосари Илҳом Камолов. — Миллий ўйинлар, миллий қадриятларимизни шаклланиб келаётган келажак авлодларимизга бекаму кўст етказиб бериш, ўз-ўзини ҳаётий таҳлил этиш қўнимчаларини ривожлантириш, ёшларни она Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга нисбатан садоқат руҳида тарбиялаш, ёшларга хос ва мос шаклдаги тадбирларни ўтказиш асосида уларнинг бўш вақтларини унумли ташкил этиш ҳамда жамоат ишларидаги фаоллигини оширишдан иборатдир.

Тадбир сўнггида совринли ўринларни эгаллаган гуруҳлар ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлик ва эс-далик совғалари билан тақдирланди.

Зарина РУСТАМОВА

7 апрель — Бутунжаҳон саломатлик куни

## ЎТКИР ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИДАН САҚЛАНИНГ

Айниқса, ҳўл мевалар ва сабзавот маҳсулотларини харид қилишдан олдин юмвасдан мазасини татиб кўриш, қайнатилмаган суттин ичиб мазасини кўриш, уй шароитида тайёрланган турли хилдаги сифати кафолатланмаган норин, хасип, кремли қандолат маҳсулотлари, лагмон ва норин хамирини истеъмол қилиш ҳамда айрон, ўрик шарбати ва компот каби қатор чанковбосди ичимликларни харид қилиб, ичиш ўткир юқумли ичак касалликларини келтириб чиқариши эҳтимоли мавжуд.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, махсус ажратилмаган жойларда, ўтиш йўлақларида ва зина-пойларда, автотранспорт воситаларининг вақтинчалик тўхташ жойларида фуқаролар томонидан тартибсиз равишда турли хилдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва чанковбосди ичимликлар билан савдо қилиш ҳам

**Қишлоқ хўжалиги ва бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини ташиш, сақлаш, сотиш ҳамда уларни истеъмол қилиш қондаларига риоя қилинмаслиги натижасида, бу маҳсулотлар аҳоли ўртасида ўткир юқумли ошқозон-ичак касалликлари келтиб чиқарилган омиллардан бири бўлиши мумкин.**

аҳоли ўртасида овқатдан заҳарланиш ҳамда юқумли касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади, десак адашмаймиз.

Шунинг учун, сотиб олмақчи бўлган ҳўл мева ва сабзавот маҳсулотларини юмвасдан туриб татиб кўрмаслиқни, сифати кафолатланмаган уй шароитида тайёрланган турли хилдаги тез бузиладиган маҳсулотларни харид қилмаслиқни, келиб чиқиши номаълум бўлган, сифати кафолатланмаган чанковбосди ичимликларни ичмаслиқни тавсия қила-

миз. Мазкур оддий тавсияларга риоя қилсангиз, ўзингиз ва яқинларингизни ўткир юқумли ичак касалликларидан ҳимоя қилган бўласиз.

Аҳоли ўртасида юқумли ичак касалликларининг олдини олишда на-фақат мутасадди ташкилотлар, балки ўзларингиз ҳам фаол иштирок этсангизлар, шундагина, юқумли касалликларнинг кескин камайишига эришиш мумкин.

Гулмира КАРИМОВА,  
Яшнобод ДСЭНМ Санатория  
бўлими мудури

## Мутахассис маслаҳати

### ЭҲТИЁТ ЧОРАЛАРИНИ КЎРИНГ

**Ёқилғи маҳсулотлари ичида бошқаларига нисбатан хавфлироқ бўлгани — бу табиий газ ҳисобланади. Табиий газнинг тўлиқ ёнмаслиги, газ оқимининг беҳосдан узилиб қолиши, хона ичида газ тўпланиши, газни ёқиб, қаровсиз қолдириш, иситиш тизимларига газни улашда хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида портлаш ва ёнғин содир бўлиши ҳамда табиий газ ва ис газларидан заҳарланиш ҳолатлари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар юз бериши мумкин. Натижада инсонлар турли хил тан жароҳатлари олишлари ёки ҳаётдан кўз юмишлари мумкин.**

Ис газ — хонадонларимизда фойдаланиладиган табиий газнинг тўлиқ ёнмаслиги, кўмир ва органик моддаларнинг чала ёнишидан ҳосил бўладиган газдир. Ис газ инсон организмнинг нафас йўллари ва нафас аъзоларига кучли таъсир қилади. Ис газ нафас йўллари орқали организмни, хусусан, марказий асаб тизимини зарарлайди.

Ис газидан қатор органик моддалар синтез қилувчи корхоналарда, гаражларда вентиляция ёмон бўлганда, янги бўялган, шамоллатилмайдиган хоналарда, шунингдек, уй шароитларида табиий газ ёниб турганда ва печка билан иситиладиган уйларда ва печка қопқоғи ўз вақтида ёпилмаганда заҳарланиб қолиш мумкин.

Ис газидан заҳарланиш унинг ҳаводаги концентратсияси ва таъсир муддатига боғлиқ бўлади. Заҳарланиш енгил, ўрта ва оғир даража-ларда бўлади, бундай ҳолларда бош қаттиқ оғрийди, айланади, қусиш, ҳушдан кетиш юз беради, нафас олиш секинлашади, баъзан ўлимга ҳам олиб келади.

Биринчи ёрдам кўрсатиш учун, аввало, заҳарланган кишини зудлик билан тоза ҳавога олиб чиқиш зарур. Юзгаки нафас олишда ёки нафас олиш тўхтаб қолганда сунъий нафас олдира бошлаш лозим. Агар бемор ҳушида бўлса, тананинг юқори қисми қисиб турувчи кийимлардан бўшатилади, иссиқ чой ва қаҳва ичирилади.

Табиий газ ва ис газ билан заҳарланиш билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг юз беришига қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин: — табиий газнинг тўлиқ ёнмаслиги оқибатида ҳосил бўладиган ис газининг салбий таъсири; — хонадонлар иситиш тизимларига табиий газнинг улашишида метёрий талабларга риоя этилмаслиги;

— табиий газдан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаслиги; — иситиш учун мўлжалланган печкалар ҳамда мўриларнинг соз ҳолатда эмаслиги, яхши тозаланмаганлиги ва бошқалар.

Хонада табиий газ йиғилиб қолган ҳолатда, зудлик билан қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

— хонанинг ойна ва деразаларини очиб, шамоллатиш; — хонадаги электр жиҳозларни ёқмаслик, ёниқ бўлса ўчирмаслик; — газ жўмрақларини беркитиш; — газни беркитишнинг иложи бўлмаса ёки ёрилган, синган ва тешилган жойлар аниқлан-са, газ таъминоти авария хизматида хабар бериш.

Табиий ва ис газлари билан заҳарланиш ҳолатлари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар юз берса:

— заҳарланган кишига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш; — «103» телефон рақами орқали «Тез тиббий ёрдам»га хабар бериш; — «104» телефон рақами орқали Газ таъминоти хизматида хабар бериш; — Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг Авария-қутқарув хизматида мурожаат қилишни ёдда тутиш зарур.

Азизбек НИЗАМОВ,

Тошкент шаҳар Саломатлик ва тиббий статистика институти директори ўринбосари

**ЎЗГИДРОМЕТ**  
ХАБАР ҚИЛАДИ

— 20-22 даража иссиқ бўлади.  
Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра,  
8 апрель ва 9 апрель эр-талаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли ки. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол қолишига имконият яра-сади. Ҳарорат кечаси — тади, ифосланиш дара-7-9 даража илиқ, кундузи жаси наст бўлади.

**Тошкент Оқшоми**

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ҲОКИМЛИГИ

Манзил: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кучаси, 32

Бизнинг электрон манзил:  
gazeta-vto@mail.ru

Буюртма Г- 455

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Эълонлар: 233-28-95  
факс: (371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади  
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот бошқармасида  
02-1-рақам билан рухсатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.  
11431 нусхада босилди.  
Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамини» — 233-74-05 телефонида мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул  
Д. Исроил

Босишга топширилди: 14.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонаси. Корхона  
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир  
Акматали АҚМОВ